

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**  
3 СОН, 3 ЖИЛД

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА**  
НОМЕР 3, ВЫПУСК 3

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART**  
VOLUME 3, ISSUE 3



**Бош муҳаррир:**  
**Холбеков Муҳаммаджон**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Тўхтасинов Илҳом**  
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

**Таҳрир хайъати:**

**Назаров Бахтиёр**  
академик (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўгли**  
ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Боқиева Гуландом**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**  
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**  
ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматкул**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**  
к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Жеймс Форт**  
Мичиган университети (АҚШ)

**Умархўжаев Мухтор**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабоев Ҳамидулла**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддиқова Ирода**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**  
ф.ф.д. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**  
масбул котиб, доцент (Ўзбекистон)

**Главный редактор:**  
**Холбеков Муҳаммаджон**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Заместитель главного редактора:**  
**Тўхтасинов Илҳом**  
к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

**Редакционная коллегия:**

**Назаров Бахтиёр**  
академик (Ўзбекистон)

**Якуб Умар оглы**  
д.ф.н., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бақиева Гуландом**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**  
д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**  
д.ф.н., профессор (Россия)

**Джураев Маматкул**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**  
к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Джеймс Форт**  
Университет Мичигана (США)

**Умархаджаев Мухтар**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Балтабаев Ҳамидулла**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Дустмухаммедов Хуршид**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддиқова Ирода**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**  
д.ф.н. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**  
отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

**Editor in Chief:**  
**Kholbekov Muhammadjan**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**  
**Tuhtasinov Ilhom**  
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

**Editorial Board:**

**Bakhtiyor Nazarov**  
academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umarogli**  
Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**  
Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**  
Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**  
Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**  
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**  
University of Michigan (USA)

**Umardhodjaev Mukhtar**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammedov Khurshid**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Shiukashvili Tamar**  
Doc. of philol. sci. (Georgia)

**Yusupov Oybek**  
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary


# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>1. Sattorova Zilola</b> “DEVONI LUG‘ATI-T –TURK”DA QO‘SHIQ JANRI.....	4
<b>2. Murodova Mutabar, Rustamova Maftuna</b> DEVELOPING WRITING ABILITIES OF EFL STUDENTS THROUGH BLOGGING.....	15
<b>3. Бабаджанова Назокат</b> ИЗУЧЕНИЕ ЭПИЧЕСКОЙ РАССКАЗЫ "ЮСУФ И ЗУЛЕЙХА" НА ТУРЕЦКОЙ НАРОДНОЙ ЛИТЕРАТУРЕ.....	22
<b>4. Умарова Саида</b> ГАЙБУЛЛОҲ АС САЛОМ АСАРЛАРИДА ОККАЗИОНАЛ СЎЗЛАР ВА ОККАЗИОНАЛ ИБОРАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	30
<b>5. Базарбаева Альбина</b> ПРОБЛЕМА ИЗУЧЕНИЯ ЦВЕТА В ЛИНГВИСТИКЕ.....	35
<b>6. Базарбаева Альбина</b> СТРУКТУРА КОНЦЕПТА ЦВЕТ.....	42
<b>7. Аббосова Мехриноз</b> ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ШЕЪРИЯТИДА РАМЗ ВА ТИМСОЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ.....	49
<b>8. Пайзуллаева Раъно</b> ВАТАНПАРВАРЛИК, МИЛЛИЙ ҒУРУР ТУЙҒУЛАРИНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ.....	53
<b>9. Шамсиева Шохистахон</b> КЕКСАЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ (ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	58
<b>10. Мизрабова Жерен</b> ҲАМЛЕТ ОБРАЗИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ.....	67
<b>11. Tursunova Nodirabegim</b> FRAZEOLOGİK BIRLIKLARNING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI.....	77
<b>12. Исламов Ўткуржон</b> ТИЛ ВА НУТҚ ДИХОТОМИЯСИ ҲАҚИДА.....	83
<b>13. Mukhamedova Nigora</b> THE PROBLEM OF EXPRESSION NON-CATEGORICAL STATEMENTS IN LINGUISTIC TEXTS.....	91

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

**Жерен Мизрабова,**  
Бухоро давлат университети  
Инглиз адабиёти кафедраси ўқитувчиси,  
Ўзбек адабиёти кафедраси таянч докторанти (Phd)  
mamedov@mail.ru

## ҲАМЛЕТ ОБРАЗИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-3-10>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада жаҳон драматургиясининг ёрқин намояндаси Уильям Шекспирнинг “Ҳамлет” асарининг таржималари хусусида фикр юритилади. Маҳоратли мутаржим Жамол Камолнинг бевосита таржимасининг афзаллиги далилланди.

Ишимизда мазкур асарни ўрганиб, инглиз адабиётидан ўзбек тилига таржималарининг бевосита ва бавосита турлари ўртасидаги тафовутлар ҳамда инглиз назмини ўзбек тилига ўгириш жараёнида асарнинг бош қаҳрамони Ҳамлет ролининг матнидаги поэтик қиёслар, метафоралар, прозаик образлар ва образли воситаларининг қайта яратилиш усуллари тадқиқ этилган.

Мазкур тадқиқот ишида инглиз тилидан ўзбек тилига бўлган таржима амалиётининг мураккаб жараён эканлиги муаммоси яъни: шеърий нутқ тузилишидаги микдорий - сифатий тафовутлар; поэтик хусусиятлар; образ, образли воситалар, аслият ғояси ва руҳиятининг таржимада қайта тикланиши; воситали ва бевосита таржималарининг ўзига хос хусусиятлари; таржима трансформациялари каби масалалари ўрганилган.

Тадқиқот муаллифи “Ҳамлет” асарининг Ж. Камол, М. Шайхзода, Б. Пастернак ва М. Лозинский таржималарини қиёслаган ва ўз таҳлиллари мисолида аслият адекватлигини таъминлашдаги ҳар бир мутаржимнинг маҳоратини ўрганган.

Қиёсий жадвалда аслият тили ва таржималардаги мутаносибликлар ва тафовутлар даражалари кўрсатилган.

Ж.Камол томонидан амалга оширилган “Ҳамлет” асарининг бевосита ўгирмаси ўзбек бадий таржима мактабининг етуклигини яна бир бор исботлайди. Аслиятдан бажарилган таржима эса кейинги мутаржимлар авлоди учун намуна сифатида хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** У. Шекспир, Ж. Камол, М. Шайхзода, Б. Пастернак, М. Лозинский, фожа, таржима, таржима жараёни, поэтик хусусиятлар, ўхшатиш, воситали ва бевосита таржималар, таржима трансформациялари.

**Жерен Мизрабова,**  
Докторант кафедры  
узбекской литературы Phd

## ВОПЛОЩЕНИЕ ОСОБЕННОСТЕЙ ОБРАЗА ГАМЛЕТА В ПЕРЕВОДАХ

**АННОТАЦИЯ**

В этой статье ведутся рассуждения относительно переводов трагедии яркого представителя мировой драматургии Уильяма Шекспира “Гамлет”. В статье доказывается преимущество непосредственного перевода трагедии талантливого переводчика Ж. Камала.

Изучив произведение в работе были выявлены различия между опосредственным и непосредственными переводами выполненных с английского на узбекский язык, а также проведён анализ воспроизведения поэтических сравнений, метафор, прозаических образов и образных средств текста роли главного героя трагедии Гамлета.

Проблемным полем данной статьи выступает сложность переводного процесса с английского на узбекский язык в частности: различия в способах организации стихотворной речи и количественно-качественные расхождения средств; поэтические особенности; образы, образные средства, воспроизведение идеи и духа оригинала; особенности посредственного и непосредственного переводов; переводные трансформации.

В статье автор проводит подробный анализ оригинала трагедии в сравнении и сопоставлении переводов Ж. Камала, М. Шейхзады, Б. Пастернака и М. Лозинского на примере которого показывает мастерство каждого из переводчиков в адекватной передаче адекватности оригинала.

В сравнительной таблице приведены степень соответствия и различий выбранных переводчиками средств переводов и языка оригинала.

Непосредственный перевод трагедии Шекспира выполненный Ж. Камалом свидетельствует о зрелости узбекской школы художественного перевода, а сами переводы становятся образцом для последующих поколений переводчиков.

**Ключевые слова:** У. Шекспир, Ж. Камол, М. Шайхзаде, Б. Пастернак, М. Лозинский, трагедия, перевод, переводной процесс, поэтические особенности, сравнение, посредственный и непосредственные переводы, переводные трансформации.

---

**Jeren Mizrabova,**

Doctoral student Phd, department  
of Uzbek literature

**PERSONALIZATION OF CHARACTERISTIC FEATURES OF HAMLET’S IMAGE IN TRANSLATIONS****ABSTRACT**

In this article are learned the translations of the tragedy “Hamlet” by the bright representative of world playwrighting William Shakespeare. Here, demonstrated the advantage of direct translation made by talented translator J. Kamol.

In the present paper, an attempt is made to examine the tragedy, to identify distinctions of direct and indirect translations, to analyze the ways of recreation of poetic similitude, metaphors, prosaic images and figurative means in the texture of Hamlet’ speech.

The problem field of this paper lies in the complexity of the translation from English into Uzbek: the differences in the way of the organization of poetic speech, quantitative and qualitative differences of poetic means, poetic features, images, figurative means, the ways of recreation of idea and spirit of the original, peculiarities of direct and indirect translations, translational transformations.

The author has carried out a detailed analysis of the original of tragedy by Shakespeare in comparison with J. Kamol’s, M. Shaykhzoda’s, B. Pasternak’s and M. Lozinskiy’s translations. It shows the peculiar skills of each translator in adequate rendering of the whole entity of the tragedy.

The comparative table shows the degree of compliance with the original in the devices chosen by the translators.

The direct translation of Shakespeare’s tragedy by J. Kamol testifies to the maturity of the national schools of literary translation in Uzbekistan while his texts have been viewed as models by subsequent generations of interpreters.

**Key words:** W. Shakespeare, J. Kamol, M. Shaykhzoda, B. Pasternak, M. Lozinskiy , tragedy, translation, translation process, poetic features, simile, direct and indirect translations, translational transformations.

Америкалик таниқли шоир-таржимон ва мунаққид, таржима назарияси ва амалиёти фанининг эътиборли олими Роберт Блай ўзининг «The Eight Stages of Translation» [1] (Таржиманинг саккиз босқичи.) номли очеркида поэтик таржиманинг баъзи принципларини белгилаб беради. Мазкур асарида Америка поэтик таржима мактабининг яратувчиси Р. Блай асосий эътиборини мутаржимнинг назм таржимасида дуч келадиган қийинчиликларга қаратади. Таржимашунос олим бутун таржима жараёнини шартли равишда саккиз босқичга ажратади. Хусусан, ишининг иккинчи этапида Р. Блай ҳар бир мутаржим шеърнинг асл мазмунини тушуниб олиш кераклигини эътироф этади. Бу ерда нафақат оддий китобхонга аён бўла оладиган ёки саёз маъно балки, асар тубида яширинган чуқур мазмун назарда тутилгандир. Бунинг учун мутаржим аслият тили адабиётининг ўзига хос хусусиятларини ва “ўзга адабиётнинг” “руҳ” ини тушиниши зарурлигини ўқтиради. Яъни бирон-бир поэтик асарни ўгиришдан олдин мутаржим аслиятга оид амалга оширилган танқидий ва илмий ишлар билан танишиши, асарнинг ғоясиини ўрганиб таҳлил қилиши, таржима матнининг жанрий параметрларини белгилаб олиши, аслият тилининг ўзига хос фон билимлари, унинг лексик-синтактик хусусиятларини ўрганиши зарурлигини таъкидлайди.

Р. Блай келтирган назм таржимси босқичларининг бешинчиси эса ҳал қилувчи этаплардан бири бўлиб унда мутаржим ўз ўғирмасида аслиятнинг ички атмосферасини яъни, асарнинг “руҳ” ини акс эттира олганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилиши муҳимдир. Р. Блайнинг фикрича, ўзга шеърнинг руҳиятига кира олиши учун мутаржимнинг ўзи ҳам шоир бўлиши ва “поэтик илҳом” нималигини яхши тушуниши лозимдир. Таржима жараёнида аслият ғояси ва руҳининг мутаржим руҳига қанчалик яқин эканлигини таржимоннинг ўзи ҳис эта олиши ва агарда шеъринг асар мутаржимнинг ҳаётий кечинмалари ва кайфиятига мос келмаса унда асар таржимаси тақдири тўғрисида ўйлаб кўришини ҳам маслаҳат қилади.

Таржимон-олим эътироф эттирган шеъринг таржима босқичларининг еттинчи этапида: таржима деярли таёр бўлганида маҳсулотни (ундаги “ҳатоларни” кўриб чиқиши учун) билинвга ўқитишни маслаҳат қилади. Р. Блайнинг фикрича чет тилини ўз она тили даражасида мукамал эгаллаш қийин ва таржимадаги ҳатолар муқаррардир. Билинв эса таржимадаги камчиликларни, сўз танлаш нозикликларидаги ҳатоларини ёки аслият руҳини узотишдаги ҳатоларни аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

Америкалик таржимоннинг таъкидлашича шеъринг таржимада ҳеч бир масала арзимас ёки аҳамиятсиз бўлмайди ва уларнинг ҳеч бирини эътиборсиз қолдириш мумкин эмас акс ҳолда ўғирмада аслият руҳи, ғояси, ундаги образлар, асар шаклини қайта яратишдаги “йўқотишлар” ҳавфи янада ортишини эътироф этади.

Британиялик таниқли тарихчи ва ёзувчи Александр Фрейзер Тайтлер эса ўзининг “Таржима принциплари” номли эссесиде таржима жараёнига оид куйидаги талабларини келтиради: 1) таржимада аслият ғоялари тўлалигича батамом акс эттирилиши зарур; 2) таржиманинг услуби ва ифода тарзи аслиятдагидек бўлиши лозим; 3) таржима матни ҳам худди аслият асаридек осонлик билан ўқилиши зарурлигини эътироф этади. [2]

Демак юқорида келтирилган талаблардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, мутаржим иккинчи тилни мукамал билиши билан бир қаторда таржимада асарнинг руҳини бой бермаслик учун ўзга маданият тўғрисида чуқур билимларга эга бўлиши ва муаллифнинг теран ғояларини тушуниб маҳорат ила акс эттириши даркор.

ROSENCRANTZ

My lord, you must tell us where the body is, and go with us to the king.

HAMLET

The body is with the king, but the king is not with

the body. The king is a thing —

GUILDENSTERN

A thing, my lord!

HAMLET

Of nothing: bring me to him. Hide fox, and all after. [3]

Розенкранц

Милорд, вы должны сказать нам, где тело, и пойти с нами к королю.

Гамлет

Тело во владении короля, но король не во владении телом. Да и какую роль играет тут король?

Гильденстерн

Король, милорд?

Гамлет

Не более чем ноль. Ведите меня к нему. Гуси, гуси, домой, волк за горой! [4]

Ҳамлет

Жасад қиролда, аммо қирол жасадда эмас. Қирол шундай нарсаки...

Гильдестерн

Нарса, дейсизми, шахзодам? Ҳамлет

Ҳеч нарса. Қани, бошланг мени унинг ҳузурига. Сичқон ўрага тушди – гулдур-гуп... [5]

Ҳамлет

Жасад қиролнинг диёрида-ю, аммо унинг ихтиёрида эмас. Хўш, энди, қиролнинг бу ишга нима даҳли бор?

Гилдестерн

Қиролми? Нима деяпсиз, шахзода?

Ҳамлет

Қиролининг бўлмағур, пуч нарса – вассалом. Қани, қани, бир бекинмачоқ ўйнаймиз у билан! [6]

АМ дан келтирилган юқоридаги мисолда Шекспир body, king, thing сўзларининг ва –ing кўшимчаларининг такрорланиши орқали (аллитерация) оғзаки нутқнинг қатъий оҳангини ва асарнинг шиддаткор руҳиятини акс эттирган.

Юқорида келтирилган Ж. Камол таржимасида Клавдийдан Полоний жасадини топиш буйруғини олган Гильдестерн Ҳамлетдан жасад қаерда деб сўраганида шахзода “The body is with the king, but the king is not with the body. The king is a thing - ” деб жавоб беради. Яъни, “Жасад қиролда, аммо қирол жасадда эмас. Қирол шундай нарсаки...” Бу ерда Шекспир жуда мураккаб сўз ўйинини қўллаган ва бу ифодларани турлича талқин этиш мумкин. Инглиз тилидаги “thing” лексик бирлиги абстракт сўз бўлиб жуда кўп маъноларга эга ва уни Б. Пастернак таржимасидагидек “thing” сўзининг ўрнига “роль” маъносини ҳам қўллаш эҳтимоли йўқ эмас. “Да и какую роль играет тут король?” яъни, рус таржимасида бу ифоданинг коннотатив маъносидан (қиролнинг бу ерда нима алоқаси бор?, қирол ким бўлибдики мен унга ҳисобот берсам яъни жасаднинг қаердалигини айтсам) каби мазмун келиб чиқади. Аслиятнинг ноаниқ, қоронғи жойларига ноадекват тарзда бўлса ҳам равшанлик киритиш бу Б. Пастернакнинг таржима усулига хос хусусиятдир. Рус мутаржимининг бу каби рацианализацияси М. Шайхзоданинг воситали таржимасида ҳам ўз аксини топган. “Хўш, энди, қиролнинг бу ишга нима даҳли бор?” Мазкур сатр таржимасида Б.Пастернак (тут) ва унинг изидан М.Шайхзода ҳам (бу ишга) каби сўз ва ибораларини қўллаганларида Клавдийнинг айнан берилган вазиятга Полонийнинг мурдасига алоқасини назарда тутиб Шекспир фикри кўламини торайтирганлар. Таржималарда руҳият ва ғоя муаллифниқидан анча узоқ.

АМ да эса Ҳамлет қотил амакисининг умуман инсон ёки қирол сифатида йўқ, пуч бир нарса “thing” эканлигини айтмоқда. Ҳамлет ғазаб ва нафратдан остида тўсатдан ниқобини ечиб “The king is a thing — Of nothing” (сўма-сўз таржимаси; ҳеч нарсанинг - алланарсаси)

деганида айни ҳақиқатни гапираётган эди. Ҳамлет нутқидаги ги бу каби “The king is a thing — Of nothing ” гапи асар давомида Клавдийга қаратиб айтилган барча таърифларининг ичида энг кульминацион зарбасидир яъни, шаҳзода узурпаторни йўқ даражадаги ҳақир, нотавонга қиёслайди. Энди амакиси жиянини ўлдиришини ният қилганини шаҳзода аниқ билади ва бу каби атайин айтилган қўпол ўхшатишларда заҳарханда сатирик киноя, Ҳамлет отасининг қотилига нисбатан бўлган ҳаддан ортиқ нафратини кўрсатади. Юқорида келтирилган Б.Пастернак ва М.Шайхзоданинг ўғирмаларида Шекспир авжи сўниб, оддий мушоҳадага айланган.

Аслиятдан таржима қилган Ж.Камол худди шу жойни АМ га содиқ қолган ҳолда “The king is a thing –“ ифодасини “Қирол шундай нарсаки...” деб жуда тўғри ўгиради. “нарса” сўзининг коннотатив белгиларидан келиб чиқадиган бўлсак, агарда, бирон бир кимсага бу каби таъриф қўлланилганда унда у камситилган хаттоки, ҳақорат қилинган деб тушуниш мумкин. Бу ерда Ж.Камол аслият руҳи ва ғоясини теран таҳлил қилиб уларни тенг сақлай олган.

Бундай сўзлардан эсанкираб қолган (чунки Ҳамлет телба ниқоби остида иш кўрмоқда ва ўзини фош этмаслик мақсадида) Гилдестерни чалғитиш учун шаҳзода тезда телбалик ниқобини тақиб “Of nothing:.. (ҳеч нарсанинг) – деб жавоб қайтаради. Клавдий кирдикорларидан беҳабар дўстлари шаҳзоданинг бундай ҳаракатлари сабабини Ҳамлетнинг тахт ворислигидан четлаштирилганида бўлса керак деб ўйлайдилар ва унинг барча қиролга қарши қўллаган гаплари тўғрисида зимдан ҳабар беришлари аниқ. Дўсти нодондан душмани зийрак афзал эканлигини тушунган Ҳамлет бундай вазиятда телбалик ниқобидан устамонлик билан фойдаланади чунки, атрофидаги ёвузлик билан очик-ойдин кўрашишга шаҳзода ёлғиз ўзи ожизлик қилишини тушунади. Албатта қиролга нисбатан Ҳамлетнинг бундай муомаласи шпион дўстларини ҳайратда қолдиради ва Гильденстерн ҳайрон қолиб “Король, милорд?” деб исёнга даъват этаётганида Ҳамлет Б. Пастернак таржимасида:

Гамлет

Не более чем ноль. - деб жавоб беради.

Рус мутаржими АМ ги аллитерацияни қайта ярата олган яъни қиролга нисбатан Ҳамлетнинг ифодасини “a thing — Of nothing” ни “роль – ноль” кўринишида таржима қилади.

Б. Пастернак ўғирмасида Ҳамлет ҳеч кўрқмасдан қиролни очик – ойдин аҳамиятсиз, йўқ нарса “ноль” деб атамоқда.

Худди шундай талқин М.Шайхзода таржимасига ҳам кўчган.

“Қиролинигз бўлмағур, пуч нарса – вассалом.” Бу ерда мутаржим таржиманинг эксплициция усулидан фойдаланган ва АМ ги битта “Of nothing” сўзини тасвирий таржима воситасида бешта сўз кўринишида ўгиради. Бу ўғирмада ҳам АМ ги Ҳамлетнинг “қутқарув ниқоби” кўринмай қолган. Демак иккала таржимада ҳам АМ руҳияти сақланган бўлсада, ғояси аниқ кўчирилмаган.

Моҳир шоир-таржимон Ж. Камол ўғирмасида Гильдестерн ҳайрон қолиб “Нарса, дейсизми, шаҳзодам?” деганида, зукко ва ҳозиржавоб Ҳамлет сўз қўллаш маҳоратини ишга солиб “Ҳеч нарса.” деб жавоб қайтаради. Келтирилган жавобдан икки ҳил мазмун яъни дўстининг саволидаги “нарса” га “Ҳеч нарса.” деганида ҳам эътироз, ҳам розилик жавобини ажратиш олиш мумкин. Бевосита ўзбек таржимасида Шекспир оҳанги аниқ жаранглаб турибди. Мазкур трагедияни аслиятдан таржима қилган Ж. Камол АМ нинг ғоя ва руҳиятини ўғирмасига кўчира олган. Агар устоз М. Шайхзода аслият матни билан иш кўрганида, шубҳасиз, бу ифодани мақбул эквиваленти билан алмаштириб руҳ ва маъно уйғунлигига эришган бўлар эди.

Гилдестерни янада кўпроқ чалғитиш мақсадида Ҳамлет саҳнада асосиз равишда “Hide fox, and all after.” деб бирон-бир ўйин ўйнаётган боладек югуриб кетади.

АМ ги “Hide fox, and all after.” гапининг сўзма-сўз таржимаси қуйидагича - (Бекин тулки, ҳамма унинг изидан қувсин.). Ўзбек фольклорида “бекинмачок” (инглизларда “Hide-and-seek”, рус мамалакатларида “прятки”) ҳаммамизга қадимдан таниш бўлган болалар ўйинидир. Бу ўйин қоидаси бўйича “қидирувчи” (the seeker) бекинганларни (the hidens)



кидириб топади. Инглиз ҳалки фольклорида мазкур ўйинининг бир қатор шакллари бўлиб улардан бирирининг келиб чиқиши овчилик ритуаллари билан боғлиқ яъни, инглиз тилидаги “seeker” сўзи – овчи деб ҳам таржима қилинади. Бу ерда Ҳамлет ўз нутқида “fox” (тулки) сўзини қўлланишининг сабаби ҳам ана шундадир. Аслида, тулки сўзининг семантикаси рецептор онгида айёрлик билан боғлиқ ассоциацияларни юзага келтирувчи инсоннинг айёрлигини образли тасвирлаш мақсадида қўлланилади.

Маълумки, асарнинг аксарият ҳолларида Ҳамлет жумбоқли сўзларда гапиради. Юқорида айтганимиздек “Hide-and-see” бу болалар ўйинининг номидир. Аммо нима учун Ҳамлет бундай “Hide fox, and all after.” деди, у нимани назарда тутди?. Асарда шаҳзода бу сўзларини дўстларига ҳам ёки томошабинлага ҳам қаратиб айтмайди. Бу ифодани эшитганлар ҳам маъносини тушунмайдилар.

Келтирилган ўйин қоидаси бўйича болаларнинг бири “it” яъни овланадиган ҳайвонлардан бири бўлиб масалан, “fox” (тулки) ёвуз итлар (яъни қолган болалар овчи итлар ролида ўйнайдилар) қўлига тушмаслиги учун иложи борича чаққон ва мўмин бўлиши керак. Тулкини қўлга туширган бола (овчи ит) эса “it” нинг (тулки) ролига ўтади. Тулки бўлиш анча қизиқарли бўлганлиги сабабли барча болалар шу рольда ўйнашга интиладилар. Тулкининг овчи итларга янада узоқроқ вақт панд бера олиш фаолияти ўйиннинг асосий мазмунини ташкил этади.

Аслида салтанат вориси бу шаҳзода Ҳамлетдир. Шаҳзода ўзини қурбон бўлганлар ўрнида эмас балки ғолиб ролида (ҳеч бўмаса ҳаёлан) овчи итларга панд бера оладиган ўйинчи сифатида кўради. Тўғри, “Қопқон” сахнасини уюштириб ҳақиқатнинг тагига этади аммо, ўзини катта ҳавф остига қўяди. Энди Ҳамлет амакисининг ёвузларча қотиллиги ҳақида воқиф ва Клавдий шаҳзоданинг жиноятчини албатта таҳдид қилиб ундан интиқом олишини англайди. Энди Ҳамлет ҳавф остида чунки Клавдий кабиҳ ниятлари йўлида тўғаноқ бўладиган гувоҳни четлаштиришга уриниши тайин. Шунингдек, шаҳзода Полонийнинг ўлдирилиши баҳонасида қиролдан қочиб юради ва ўзининг бу ҳаракатлари билан бадтар амакисининг ғазабини қўзғайди. Амакисининг ғазабидан қутилиш мақсадида ўзини янада телбалikka солиб болалар қиёфасига киради. Ҳамлет бундай никоб остида ўзини анча эркин хис этади ва шунингдек, Клавдийдан химояланади. Шунинг учун ҳам шаҳзода шпийон дўстларини чалғитиш мақсадида “Hide Fox and all after.” каби ифодасини қўллайди. Никоб остида шаҳзода ҳаёт шафқатсизликлари ва ноҳақликлари билан юзма-юз олишади. У роль ўйнайди. Ҳамлетнинг ўзи ҳам пьесалар ёзади. Реал ҳаётдаги ноҳақликлари олдида эса ўша муаллиф ожиздир. Бу ноҳақликлар билан кўрашиш учун кучни эса Ҳамлет театр ва ўйин дунёсидан топади. Бу ерда ҳам телбага хос Ҳамлетнинг мантиқсиз ҳаракатларини таржимонлар турлича акс эттирганлар, яъни АМ ги “Hide Fox and all after.” иборасини;

ТМ 1 да - Гуси, гуси, домой, волк за горой!

ТМ 3 да - Сичкон ўрага тушди – гулдур-гуп...

ТМ 4 да - Қани, қани, бир бекинмачок ўйнаймиз у билан!

АМ да келтирилган ўйин номи ҳам аслида мантиқсиз вазиятни келтириш мақсадида қўлланилган ва турлича талқин этилиши табиийдир. Таржима анъанасида ҳам ҳар хил вариантларнинг келиб чиқиши сабаблари ҳам шундадир. АМ ги мазкур гапнинг таржималарида руҳият ва ғоя тенг акс эттирилган дейишимиз мумкин.

Асар бошида Лаэрт билан бўлган биринчи суҳбатини тугатгач Клавдий Ҳамлетга юзланиб “But now, my cousin Hamlet, and my son” (сўзма-сўз таржимаси – “Энди эса, менинг жияним Ҳамлет, ва менинг ўғлим”) яъни, Клавдий Ҳамлетга қараб “жиян” деганида уларнинг қариндош эканлигини ва “ўғлим” деганида энди қариндошдан ҳам яқинлигини назарда тутди.

Таржима санъатининг арбоблари келтирилган мисолни қуйидагича ўгирганлар:

Аслият матни:

KING CLAUDIUS

But now, my cousin Hamlet, and my son,— [3]

Қирол

Қалай жиян-ўғлонимиз Ҳамлет бу нафас? [5]

Король

Ну, как наш Гамлет, близкий сердцу сын? [4]

Қирол

А, Ҳамлет-чи? Нима дер жигарпорамиз? [6]

Интеллектуал образ сифатида Ҳамлет қиролликдаги ўзгаришларни борича қабул қилмаслиги тайин ва атрофида рўй бераётган воқеалар тўғрисида атрофлича фикр юритиши табиийдир. Шунинг учун ҳам жиянлигини тан олсада амакисига ўғил бўлганлиги тўғрисида ҳали хулоса қилишга шошилмайди.

Асарда Клавдийнинг вербал ҳаракатлари орқали томошабин ва Ҳамлет кўзлари олдида персонажнинг бир қатор хусусиятлари намоён бўлади – ақл, ирода, макр, шухратпарастлик, иззати нафс, мунофиқлик. Бу каби хусусиятларининг барчасини Клавдий Гертруда билан бўлаётган ножўя тўғрисида манзарасини ниқоблаш мақсадида ўзининг риторик маҳорати манёврида мужассам эта олган. Шунингдек, янги қиролга тож кийдириш маросимида Клавдий қиролликдаги ўз мавқеини янада ошириш мақсадида Гертруда билан турмуш қураётганини эълон қилади. Зехни ўткир Ҳамлет ( кейинги сўзлари прагматикасидан келиб чиқиб “Ўғиллиги ёлғон, лекин жиянлиги рост.”) амакисининг бундай ҳаракатларидан бу ерда нияти ҳолис эмаслиги, товламачилик қилаётганини пайқаганини сезиш мумкин.

Аслиятдан беҳабар китобхон Ж. Камол таржимасида ўта маккор Клавдий нутқига хос изчиллик ва мантиқийликни кўриши мумкин. Чунки, узурпатор сўз танлашда хушёрлик билан иш кўради шахзодани атайин аввал амакиси сифатида “жиян” энди эса янада қалинроқ кадрдон ота сифатида “ўғлонимиз” деб атайди ва Ж. Камол “бу нафас” деганда китобхон беихтиёр Ҳамлетнинг оғир аҳволини кўз олдидан ўтказди.

М. Шайхзода АМ муаллифи трагедия мазмунини янада юксалтириш мақсадида қўллаган оғзаки нутққа хос иккита сўзни (cousin ва son) битта ўзбек баландпарвоз сўзида яъни, генерализация усулида “жигарпорамиз” деб ўгирган. Тўғри, бу ерда ўзбек мутаржими шеърийга хос лаконизм ва бадиийликка эриша олган. Аслида эса Ам да бу сўзларнинг кетма-кет келиши ходисаси алоҳида ўрин тутди ва бу изчилликни биз Ж.Камол таржимасида кузатишимиз мумкин. Ж. Камол М.Шайхзода таржимасидаги муסיқийликдан фарқли ўз ўгирмасини Шекспир усулига хос бўлган кескин оғзаки нутқнинг ритмик тартибига сола олган. Клавдийнинг аввал Ҳамлетни “жияни” энди эса “ўғли” ҳам бўлганлиги тўғрисидаги захарҳанда кинояси образга разил бўлсада аммо, жасорат оттенкасини ҳам бахш эттирган. Чунки асл тахт вориси Ҳамлет бўлиб ва ҳалқ уни жуда яхши кўрар эди ва табиийки, бу ҳолат “маккора жилмаювчи” Клавдийни хушёрликка даъват этган. М. Шайхзода ўгирмасида маккор ва қонхўр Клавдий образи майинлашган ва китобхон аслиятда келтирилган манзарани таржимадаги контекст тағминидан тахмин қилишга мажбур.

М.Шайхзода Б. Пастернак таржимасига (Король: Ну, как наш Гамлет, близкий сердцу сын?) асосланиб ўгирган ва табиийки, воситали таржима хусусиятлари ўзбек мутаржими таржимасида ҳам ўз аксини топган.

Аслиятдан ўгирган Ж. Камол АМ дан келтирилган мудҳиш манзарани ошкора намоён этади ва ўзининг поэтик контекстида асардаги фожиавийликни мужассам эттира олган.

Клавдий бошлаб берган мавзусининг давоми Ҳамлетнинг кейинги гапларида намоён бўлади:

HAMLET

[aside]

A little more than kin, and less than kind. [3]

Ҳамлет

(четга)

Ўғиллиги ёлғон, лекин жиянлиги рост. [5]

Ҳамлет

(Ўзи-ўзига)

Жигарпора: ва лекин ётдан ҳам бадтар. [6]

Келтирилган мисолда тил воситалари ва асар сюжетининг бевосита боғлиқ эканлиги аниқ кўриниб турибди. Яъни, асарни ўқиганда ҳақиқатдан ҳам Ҳамлет нутқидан ўзининг ва Клавдийнинг хатто қариндошдан ҳам яқинлиги, (амаки-жиян, ўғай ота – ўғай ўғил) аммо уларнинг муносабатлари ҳеч ҳам самимий эмас эканлигига нисбатан ифодалаган киноясини пайқаш мумкин.

Елизавета давринининг томошабин ҳалқи сўз ўйинини хуш кўрганлар ва Шекспир ҳам ўз ижодида каламбур (сўз ўйини)дан самарали фойдаланган. О.С. Ахманованинг таъкидлашича каламбур бу – “нутқнинг бир шакли бўлиб, унда битта сўзнинг иккита маъноси ёки иккитта бир ҳил жарангловчи сўзлар юмористик (пародия) тарзида ишлатилади.” [7]

Шунингдек, трагедиядаги Ҳамлетнинг илк нутқида икки оҳангдош сўзлар ўйини қатнашган (kin / kind).

Клавдий Ҳамлетга қараб “жиян” ва “ўғлим” деганида деганида шахзода " a little more than kin and less than kind" каби жавобини келтиради. Яъни бу ерда:

kin - қариндош, авлод - аждод

kind – меҳрибон, илтифотли, хушмуомала, қадрли, азиз, самимий.

Яъни, ўз жваобида бош образ амакисининг жиянига кўрсатаётган хушомадларига ишонмаслигини назарда тутади.

Демак, қиролнинг қуруқ дабдабали “Қалай жиян-ўғлонимиз Ҳамлет бу нафас?” [3] [б. 23.] каби саволига мотамдор шахзода жавобининг прагматикасидан – қариндошдан яқинроқ аммо ҳеч ҳам илтифотли эмас – каби кинояли мазмунни тушуниб олиш мумкин. Тўғри, Ҳамлет Клавдийнинг жияни. Зеро, пасткаш амакиси ва Гертруданинг шошилинич тўйидан сўнг ўғлига ҳам айланди. Аммо шахзода ўғай отаси билан қариндошлигини тан олсада нафрати туфайли янги нафси бузуқ қиролни ҳеч қачон отаси ўрнида тан олмайди ва бу адоватнинг охири-оқибатлари фожа билан тугайди.

Таржималарда Шекспирнинг ёрқин индивидуал каламбури “A little more than kin, and less than kind.” ўрнида биз бошқа манзарани кузатишимиз мумкин. АМ ги “kin” ва “kind” контрастидан таркиб топган сўз ўйинини Ж.Камол ўғирмасида конкретизация усулида “Ўғиллиги ёлғон, лекин жиянлиги рост.” яъни, “ўғил” ва “жиян” сўзларининг қиёсида ифодаланган. Ўзбек мутаржими “ўғил” ва “жиян” образларини таққослаб драматургнинг коммуникатив мақсадини ифодалай олган.

Шекспирнинг каламбури тағматнидаги “қариндошдан яқин аммо, меҳрибон эмас” каби контрасти пародия эффектини келтириб чиқаради. Бу ерда асар муаллифи нафақат китобхон эътиборини тортиш ниятида “more than” (...дан сал зиёдрок, кўпроқ) ва “less than” (...дан камроқ) каби қиёслардан фойдаланган балки, бу ерда Шекспир асар бошиданок Клавдий ва Ҳамлет ўртасидаги антагонистик муносабатларини ва уларнинг чексиз адоватини кўрсатишни ҳам мақсад қилган.

Ж.Камол Шекспир матнининг асл моҳиятини англаган ҳолда, юқорида Клавдийнинг шахзодани “my cousin” (жиян) ва “my son” (ўғлим) деб бошлаб берган занжирнинг мантиқий давоми сифатида ўз таржимасида “Ўғиллиги ёлғон, лекин жиянлиги рост.” кабиларнинг контрастида драматург бандининг пародия усулини асрай олган.

Инглиз матнида келтирилган экстроллингвистик ситуациясининг “A little more than kin, and less than kind.” тасвирини ўзбек тилида осонгина тушунтириш мумкин: “Тўғри, расмий равишда энди мен унга қариндошдан ҳам яқинроқман (ўғай ўғил) аммо, менга келса у бундай яқинликдан кўп ҳам умидвор бўлмасин”. Бироқ, АМ ги ситуациясининг бу каби талқинидан Рецептор АМ да мавжуд бўлган керакли коммуникатив мақсадини тушуна олмайди. Келтирилган интeпритациядан китобхон қайси персонаж “салбий” қай бири эса “ижобий” эканлигида иккиланиб қолиши табиийдир. Ж. Камол таржимасида эса Ҳамлет ҳали отасининг қотили айнан амакиси эканлигидан воқиф эмас. Шахзода марҳум отасининг вафотидан сўнг ҳеч қанча вақт ўтмасдан туриб шошилинич тўй, онасининг ҳаракатларини

кўриб нафақатгина Клавдий балки бутун ҳаётдан ва инсониятдан кўнгли совийди. Шунинг учун янги қиролнинг ва Гертруданинг гапларига фақатгина кинояли мулоҳазаларини келтиради. Аслиятнинг эмоционал бўёғи ва стилистик функциясини ўзида мужассам эта олган АМ ги Ҳамлет киноясининг эквивалент таржимасини биз Ж. Камол ўгирмасида кузатишимиз мумкин.

Инглиз матнидаги “kind” сўзи маъноси кенг ва мавҳум:

**меҳрибон** - good, kind, kindly, nice, gentle, gracious

**илтифотли** - kind, dear, amiable, accommodating, gracious, polite

**яхши** - good, well, nice, fine, pretty, kind

**сидқидил, самимий, чин юракдан** - cordial, cardiac, hearty, warm, hearted, kind

**оқкўнгил, хайирхоҳ** - benevolent, friendly, kind, amiable, well-disposed, well-minded

**авзо, кўриниш, лавҳа, манзара, равиш, шаклланмоқ, шакллантирмоқ, тахлит, тур,**

**важохат** - view, form, kind, look, appearance, species

**тур** - type, style, kind, class, nature, character

**хил** - species, variety, kind, variation, type, form

**насл, қавм, тоифа, зот** - genus, race, kind, family, type, generation

**нав** - grade, variety, sort, class, brand, kind

**насл** - breed, species, race, kind, strain, stock

**даража, малака даражаси** - discharge, category, rank, digit, class, kind

**табиат** - nature, kind, grain

**сифат** - quality, character, grade, property, degree, kind

**оила, оилавий** - family, kind, stirpes, stirps

Бўлганлиги туфайли ўзбек тилига конкретизация усулида таржима этилиши табиийдир. АМ ги конкрет эмоционал ситуацияни тасвирлаш мақсадида Ж. Камол

“kin” ва “kind” сўзларини “жиян” ва “ўғил” деб конкретлаштириб таржима қилади. Мазкур сўзларнинг АМ ва ўзбек таржимасида маънолари шу билан бир қаторда стилистик хусусиятлари (нейтрал лексик бирликлар сифатида) бир хил эканлигини кузатишимиз мумкин.

Барча тиллар луғати захирасининг аксарият миқдорини стилистик - нейтрал сўзлар ташкил этиши ва мазкур лексик бирликлар нутқнинг турли шаклларида ишлатилиши кузатилади. Шу билан бир қаторда нейтрал стилистик хусусиятга эга бўлган сўзлар коннотатив белгининг компоненти сифатида маълум бир контекст ёки ифодаларда ўринли ёки ўринсизлиги гапирувчи муҳокамасидан ҳал этилиши ҳам мумкин.

Ҳамлетнинг юқоридаги гапини М. Шайхзода “Жигарпора: ва лекин ётдан ҳам бадтар.” деб генерализация усулида ўгиради ва АМ ги Шекспир яратган контрастини “жигарпора” ва “ёт” сўзлари қиёсида тасвирлаган. Ўзбек мутаржими ўз ўгирмасида умумий маънога эга “жигарпора” сўзини қўллаб асар муаллифи назарда тутган (ўғил ва жиян) каби контрастининг тафсилотларини бир сўзда мужассам этган. Шекспир бандининг давомини “and less than kind” (меҳрибон эмас) эса “ётдан ҳам бадтар” деб ўгирган. Юқоридаги бандни ўгирмасида стилистик оғишларни кузатишимиз мумкин яъни, Шекспир бандидаги нейтрал лексик бирликлар ўзбек таржимасида баландпарвоз услубда (“kin” ва “kind” “жигарпора” ва “ёт”) ўгирилган. Натижада таржима чуқур салбий эмоционал тусини олган. Вахоланки, Ҳамлет ҳали отасининг қотили амакиси эканлигини билмайди ва бу ерда унинг бундай фикрлари эътирозлидек туюлади. Бу каби услубий оғишлар асар муаллифининг коммуникатив мақсадини ифодалашда ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмаган яъни, мутаржим ўзининг воситали таржимасида АМ нинг пародияга хос нозик фарқини асрай олмаган.

### Фойдаланган адабиётлар:

1. Bly Robert. The Eight Stages of Translation / Robert Bly. - St. Paul: Ally Press, 1991. - 107 p. 23, Vol. 1-2. Tytler A.F. Essay on the Principles of Translation, London, 1791.

- (Bly Robert. The Eight Stages of Translation / Robert Bly. - St. Paul: Ally Press, 1991. - 107 p. 23, Vol. 1-2. Tytler A.F. Essay on the Principles of Translation, London, 1791.)
2. Tytler A.F. Essay on the Principles of Translation, London, 1791. / Ed. by W.P. Ker. Oxford, Vol.1-2.  
(Tytler A.F. Essay on the Principles of Translation, London, 1791. / Ed. by W.P. Ker. Oxford, Vol.1-2.)
3. [http://www.literaturepage.com/read/shakespeare\\_hamlet.html](http://www.literaturepage.com/read/shakespeare_hamlet.html)
4. [http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare\\_20.html](http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare_20.html) Вильям Шекспир. Гамлет, принц датский (пер. Б. Пастернак) ([http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare\\_20.html](http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare_20.html) William Shakespeare. Hamlet, Prince of Denmark., (B. Psternak's translation))
5. Жаҳон адабиёти дурдоналари. Вильям Шекспир. Отелло. Инглиз тилидан Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.- Б. 784. 9,20.б. (Masterpieces of the world literature. William Shakespeare. Othello. Translated from English by Jamol Kamol. – Tashkent: Gafur Gulom Literary and Art Publisher, 1991. – P. 784. pp. 9,20.)
7. Вильям Шекспир. Танланган асарлар. Беш жилдилик. Учинчи жилд. Ҳамлет. Мақсуд Шайхзода таржимаси. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 640. 164-165 бт. (William Shakespeare. Selected works. V volume. V v. Hamlet. Maqsud Shaykhzoda's translation. – Т.: Gafur Gulom Literary and Art Publisher, 1983. – P. 640. pp. 164-165.)
8. [http://www.literaturepage.com/read/shakespeare\\_hamlet.html](http://www.literaturepage.com/read/shakespeare_hamlet.html)
9. Жаҳон адабиёти дурдоналари. Вильям Шекспир. Отелло. Инглиз тилидан Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.- Б. 784. 23-24.бт. (Masterpieces of the world literature. William Shakespeare. Othello. Translated from English by Jamol Kamol. – Tashkent: Gafur Gulom Literary and Art Publisher, 1991. – P. 784. pp. 23-24.)
10. [http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare\\_20.html](http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare_20.html) Вильям Шекспир. Гамлет, принц датский (пер. Б. Пастернак) ([http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare\\_20.html](http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare_20.html) William Shakespeare. Hamlet, Prince of Denmark., (B. Psternak's translation))
11. Вильям Шекспир. Танланган асарлар. Беш жилдилик. Учинчи жилд. Ҳамлет. Мақсуд Шайхзода таржимаси. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 640. 21-22 бт.  
(William Shakespeare. Selected works. V volume. V v. Hamlet. Maqsud Shaykhzoda's translation. – Т.: Gafur Gulom Literary and Art Publisher, 1983. – P. 640. pp. 21-22.)
12. О.С. Ахманова. Словарь лингвистических терминов. М. 1966. - С. 286. (O.S. Akhmanova. Vocabulary of linguistic terms. M. 1966. - P. 286.)

**СЎЗ САНЪАТИ**  
**ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**  
**3 СОН, 3 ЖИЛД**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ**  
**ИСКУССТВО СЛОВА**  
**НОМЕР 3, ВЫПУСК 3**

**INTERNATIONAL JOURNAL**  
**OF WORD ART**  
**VOLUME 3, ISSUE 3**